



“Хоразм Питнак Пласт” МЧЖ

Директори

И.Абдиримов

« \_\_\_\_\_ »  
М. Ў

2022 йил

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

**1 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1	Ушбу харид хужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПҚ-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. “Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер хужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (кейинги ўринларда қарор).
1.2	Харид предмети: Полимер гранула қуритиш ускунаси
1.3	Ускунанинг чегаравий қиймати ушбу танловнинг нарх қисмида кўрсатилган. Таклиф қилинган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак.
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид хужжатларининг техник талаблар қисмида келтирилган.

**2. ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ (КОРПОРАТИВ БУЮРТМАЧИ)**

2.1	<p>“Хоразм Pitnak Plast” МЧЖ (кейинги оринларда “Буюртмачи”) харидлар буюртмачиси ҳисобланади.</p> <p>Буюртмачи манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тупроққалъа тумани, Мухаббат махалласи, Хазорасп кўча, 1-йй</p> <p><b>Банк реквизитлари:</b> 1) Банк номи АТБ Хамкорбанк Хазорасп филиали. МФО: 01162, х/р: 20208000200244201001 ОКЭД: 29320 СТИР: 302667473</p>
2.2	<p>Давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар:</p> <p>1) <b>Ф.И.Ш.:</b> Исқандаров Беҳзод Отахонович <b>Лавозими:</b> Харид ва Сотув бўлинмаси бошлиғи <b>Телефон рақами:</b> +998 97 511 63 67 <b>Электрон почта манзили:</b> xpplast.sifat@mail.ru</p>
2.3	<p>Харидларни танлаш буюртмачи ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади.</p> <p>харид комиссияси қўйидаги вазифаларни бажаради:</p> <p>харид қилиш хужжатларини келишади; таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди; таклифларни баҳолаш мезонларини ва усулларини белгилайди; зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, хажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди; дастлабки малака танловини ўtkазади, агар харид қилиш хужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса; зарур булганда дастлабки малака танлови натижаларини хисобга олган холда қарор қабул қиласди;</p>

	зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди; харид қилиш тартиб-таомилларини ушбу қонунга мувофиқ амалга оширади; Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган харакатлар учун жавобгар бўлмайди.
--	--

### **3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ**

3.1	<p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан бўён матнда иштирокчи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсадир.</p> <p><b>Иштирокчи:</b></p> <p>давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва хужжатларни тақдим этиши хамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулқдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;</p> <p>ғолиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчилида назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p> <p>Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш хуқуқига эга эмас.</p>
3.2	<p><b>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎИИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</b></p> <p><b>Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномани бажариш учун зурур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларнинг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</li> <li>- шартнома тузиш учун қонуний хуқуққа эгалик;</li> <li>- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;</li> <li>- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;</li> </ul>

### **4 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ**

Давлат харидларининг ижрочиси (бундан бўён матнда ижрочи деб юритилади) харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича ғолиб деб топилган ва ўзи билан давлат харидлари тўғрисида шартнома тузилган иштирокчидир.

**Ижрочи:**

- қонунчилик талабларига риоя этиш;
- шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариш;
- асосий бенефициар мулқдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;
- шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига унинг сўрови бўйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт;

Давлат буюртмачиси зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматлрнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли.

### **5. ТАНЛАШНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ.**

5.1	<p><b>Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қўйидагиларни бажариши шарт:</b></p> <p>а) танлаш шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш хужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш);</p>
5.2	<p><b>Танловда қатнашишга рухсат берилмайди:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида бўлган</li> <li>- (буюртмачининг исми) билан суд ёки арбитраж холатида бўлган</li> <li>- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган</li> </ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд бўлган</li> <li>- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, қадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлмаган</li> </ul>
--	--

## **6. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ**

6.1	<p>Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш тўғрисидаги ахборот давлат тили билан бир вактда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тўғрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофик бўлиши керак.</p>
-----	--

## **7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ**

7.1	<p>Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятта қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар. Электрон шаклда танлаш ўтказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади. Таклифда давлат хариди обьекти бўлган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.</p> <p>Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳакли.</p> <p>Танлаш учун таклифларни қабул қилиш маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.</p>
-----	--

## **8 ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ**

8.1	<p>Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликда назарда тутилган холларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожат қилиш хуқуқига эга.</p>
-----	--

## **9 ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.**

9.1	<p>Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгаришилар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаришилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришилар киритилади.</p> <p>Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгаришишга йўл қўйилмайди.</p>
-----	--

## **10 ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАХФИЙЛИКНИ СИР САКЛАШ**

10.1	<p>Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими ўзининг давлат харидлари ижрочилари ёки хар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат хавфсизлиги манфаатларини химоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга риоя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тўсқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қиласа, ҳеч бир ахборотни ошкор этишга хақли эмас.</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тўғрисида</p>
------	---

	<p>қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига риоя этилади.</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ тақлифда ўзи кўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.</p>
11.2	Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (мифдорий, сифат ва техник кўрсатгичлар бўйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
<b>11 ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР</b>	
11.1	<p>Танлаш натижаларида доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган тақлифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси томонидан танлаш бўйича харид қилиш хужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.</p> <p>Фолиб шартнома тузишни рад этган тақирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқанган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш хуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан тақлиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб тақлиф этган нарх ғолиб томонидан тақлиф этилган нарҳдан паст бўллган холлар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.</p>
11.2	Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўtkазиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш хамда улардан тушунтиришлар олишга хақли.
11.3	Агар танлашда иштирок этиш учун тақлифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда факат битта тақлиф тақдим этилган ёки бирорта хам тақлиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан тақлифларнинг танлаш харид хужжатлари талабларига мос эмас деб топилган холларда танлаш ўtkазилмаган деб хисобланади.
11.4	<p>Давлат буюртмачиси ғолиб бўлган тақлиф акцептига қадар исталган вактда давлат харидини бекор қилиш хуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизими орқали маҳсус ахборот порталаида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қиласди.</p> <p>Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилингандиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг ғайриқонуний харакатлари (харакатсизлиги) оқибати бўлган холлар мустасно.</p>
11.5	Техник топшириқда товарлар наъмуна тақлифларини топшириш муддати тугагунга қадар хар бир товар намунаси иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида кўрсатилади. Техник спецификациялар талабларига техник жихатдан жавоб бермайдиган товарлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу холда ёки товарлар наъмунаси тақдим қилинмаган холларда тақлифлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.